

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Мақолада иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш орқали экспорт фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизимини такомиллаштиришга доир устувор йўналишларнинг илмий-назарий асослари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *экспорт фаолияти, экспорт салоҳияти, рақобатбардош иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, экспорт диверсификацияси, хизматлар экспорти, жаҳон бозори.*

В статье рассматриваются научно-теоретические основы определения приоритетов совершенствования системы мер по развитию экспортной деятельности путем модернизации и диверсификации экономики.

Ключевые слова: *экспортная деятельность, экспортный потенциал, конкурентоспособная экономика, национальная экономика, диверсификация экспорта, экспорт услуг, мировой рынок.*

The article examines the scientific and theoretical foundations of the priorities for the improvement of the system of measures for the development of export activities through the modernization and diversification of the economy.

Key words: *Export activity, export potential, competitive economy, national economy, export diversification, export of services, world market.*

Мамлакат экспорт фаолиятини ривожлантириш рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш орқали, хом ашё ресурслари ва ишлаб чиқариш кучларидан оқилона фойдаланишга самарали таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда иқтисодиётда очиклик даражасининг ўсишига, шунингдек бошқа бир қанча ижобий омиллар таъсири остида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Экспорт фаолиятини самарали амал қилиши, миллий иқтисодиётнинг сифат ўзгаришларига эришиши орқали очик иқтисодиётни шакллантиришда муҳим асос яратади.


Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясини таъминлаш, очик иқтисодиётни шакллантириш орқали бозор муносабатларини қарор топтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизимини такомиллаштиришдан стратегик мақсад рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш ҳисобланганлиги сабабли, экспорт тизимини қўллаб-қувватлаш жараёнига алоҳида устуворлик берилади. Бу борда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: «...иқтисодиётимизни жаҳон бозорига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш устувор вазифадир. Келгуси йили

экспорт ҳажмини 30 фоизга ошириб, 18 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўймоқдамиз. Биз экспортга йўналтирилган иқтисодийга ўтишимиз, ички бозорда рақобат муҳитини шакллантиришимиз зарур. Шунингдек, транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш ҳам энг долзарб масаладир»[1].

Сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида экспорт фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ тизимли чора-тадбирлар таъсирида экспорт таркибида сифат ўзгаришларининг ижобий самараси кўзга ташланди. Пахта толаси, қимматбаҳо металллар ва турли хом-ашё етказиб бериш ҳисобига эмас, балки асосан автомобиллар, нефть-кимё ва металл маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ип-калава ва газлама, трикотаж буюмлар, сим-кабель маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа шу каби кўплаб тайёр товарлар экспорти ортди (1-жадвал).

1-жадвал

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси экспорт таркиби[4]



2000-2016 йиллар экспорт таркибида жиддий сифат ўзгаришлари амалга оширилди. Хусусан, пахта толасининг экспорти 27,5 фоиздан 5,2 фоизга қисқариб, тайёр маҳсулотларнинг жами экспорт ҳажмига нисбатан улуши қарийб 70 фоизни ташкил этмоқда.

Агар 1994-1996 йилларда фақат бўз газламалар ва пахта ип-калава экспорт қилинган бўлса, 2003 йилда ассортимент янги турдаги маҳсулотлар билан тўлди, яъни: момиқ сочиқлар, трикотаж полотноси; 2010 йилга келиб эса экспорт номенклатурасини гилам ва гилам маҳсулотлари, тикув-трикотаж буюмлари тўлдирди. 2016 йилда экспорт кўрсаткичлари 1100 миллион доллардан ошди, 2017 йилда эса 1200 миллион долларга етди.

Бугун саноат кенг экспорт ассортиментлари билан, яъни толадан то тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари билан намоён бўлмоқда. 2017 йилда экспорт кўрсаткичлари 1 миллиард долларида ошган (1994 йилда эса бу кўрсаткич атиги 7 млн. долларига тенг бўлган), 260 тадан ортиқ корхона чет элга маҳсулот етказиб берганлар.

2017 йилнинг якунига кўра, экспорт ҳажмида юқори қўшилган қийматли товарлар улуши 40 фоиздан ошди ва тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон табиий тўқимачилик тоалари, пахта газламалар ва трикотаж ишлаб чиқариш бўйича жаҳон ишлаб чиқарувчилари қаторига қўшилди.

Мамалакатимиз экспорт ҳажмини ошириш ва унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш экспортни диверсификация қилишга имконият яратди. Экспорт таркибини диверсификация қилишнинг иқтисодий ўсишга ижобий корреляцияси мавжуд бўлиб, экспорт таркибининг юқори диверсификациялашганлик даражаси юқори ўсиш суръатларини таъминлашга кўмаклашди[4].

Таҳлил маълумотларига кўра 2017 йилда қора ва рангли металлар 2016 йилга нисбатан 29,5 фоизга, рух ва ундан тайёрланган маҳсулотларни 45,4 фоизга, алюминий ва ундан тайёрланган маҳсулотлар 80 фоизга, мис ва ундан тайёрланган маҳсулотлар 34,7 фоизга ортган. Шу билан бирга экспорт таркибида хизматлар улуши 25,2 фоизни ташкил этиб, шундан 11,6 фоизи транспорт хизматларига, 11,4 фоизи эса туризм хизматлари ҳиссасига тўғри келган.

Охирги йилларда “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси ўз корхоналарини техник ва технологик йўналтирилган ишларни амалга оширишга, яъни: корхона экспорт салоҳиятини ошириш, тармоқни ривожлантириш учун хорижий инвесторларни жалб этиш, модернизация ва техник қайта қуроллантиришга сафарбар қилди. Натижада, тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва модернизациялаш борасида жами механизмнинг яхшиланиши ва такомиллашиши давом этмоқда. Бугунги кунга келиб, уюшма тузилмасига қирувчи барча корхоналар юқори технологик ускуналарда ишляпти, ҳисоб-китоб усуллари ҳам автоматлаштирилган, рационал транспорт йўналишлари ва керакли кўп аспекти натижа берувчи кўп бошқа тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган. 2017 йилда корхоналарнинг салоҳиятини сезиларли даражада кўтарган 28 та йирик лойиҳалар амалга оширилди. “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмасининг маълумотларига кўра, 2017 йилда 560 минг тн. тола, 101 минг тн. трикотаж полотно, 85 млн.жуфт чулки-носки маҳсулотлари, 410 млн. дона тайёр маҳсулотлар ва 480 минг кв.м. тайёр газламалар ишлаб чиқариш бўйича 28 та янги технологик линиялар ишга туширилди. Ушбу лойиҳаларнинг жами қиймати 2,2 млрд. долларни ташкил этди, экспорт салоҳияти эса 1,4 млрд. долларни ташкил этди.

2018 йилда умумий экспортда хизматларнинг улуши 21,3 фоизни ташкил этиб, шундан 11,8 фоизи транспорт хизматларига, 7,3 фоизи эса туризм хизматлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Экспорт таркибида бошқа товарлар гуруҳи 34,7 фоиз улуш билан муайян ўринга эга бўлиб, бунда ушбу гуруҳга қирувчи текстил маҳсулотларининг ҳажми 1603,1 млн. АҚШ долларни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 41,4 фоизга ўсди[5]. Шунинг билан бир қаторда жаҳон бозори конъюктурасига мос равишда таклиф ҳажмининг билдирилиши, рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимининг муттасил амал қилиши, экспортга йўналти-

рилган тармоқларда эркин нархлар тизимининг жорий этилиши каби бир қатор ҳолатлар борки, ушбу ҳолатлар миллий иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган устувор тармоқларини жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, экспортни диверсификация қилишга кенг қўламли имконият яратди[4].

Юқорида мамлакатимиз экспорт фаолиятини ривожлантириш суръатлари билан боғлиқ жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, экспорт фаолиятида эришилган ютуқлар билан бирга қатор камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг ойлар кесимидаги ўсиш суръатлари бўйича 2018 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида энг юқори ўсиш суръатлари январь, апрель, июнь, август ва декабрь ойларида кузатилган[5]. Бу ҳолат мамлакатимизда экспорт кўрсаткичларининг ортиши мавсумий характерга эга эканлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда экспорт таркибининг диверсификациялашув даражаси ҳали ҳам юқори натижани қайд этмаётганлигини асослаш имкониятини беради.

Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар йўналишларидан бири саноат мажмуидаги таркибий ўзгаришлар ҳисобланади. Саноат тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва таркибий қайта тузиш жараёнлари билан ифодаланади. Мамлакат таркибий сиёсатининг бош мақсадларидан бири ҳам саноатда таркибий қайта тузишни амалга ошириш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат[3]. Шунинг учун саноат тармоғини таркибий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш учун энг самарали тармоқларга алоҳида урғу бериш лозим.

Фикримизча, бу борадаги чора-тадбирлар тизимини ташкил этишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мамлакатимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган саноат кластерлари тизимини шакллантириш;

- иқтисодиётни ривожлантиришнинг жаҳон бозори конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлиги камайтириш мақсадида норматив кўрсаткич ва тарифларга асосланган табақалашган товарлар стратегиясини шакллантириш;

- ҳудудий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда хом-ашёни чуқур қайта ишлайдиган саноат бирлашмалари фаолиятини ташкил этиш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда тадбиқ этиш[2] ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2018 йил, 29 декабрь. № 271-272 (7229-7230).
2. Турсунов Б.О. Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишда рақобат муҳитининг ўрни. “Innovatsion texnologiyalar”, №3 (27) 2017 йил. 55-бет.
3. Расулова Д.В. Саноат тармоғини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш муаммолари ва устувор йўналишлари» республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2019 йил. 332-бет.
4. Турсунов Б.О. Экспортга йўналтирилган тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини шакллантириш истиқболлари. «Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга банк-молия тизимининг самарали таъсирини кучайтириш». Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент: Молия, 2017 йил. 33-34 бет.
5. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти